



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ХАЛҚЛАРИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Самарали Ўзбекистон — Россия саммити якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг давлат таширфи доирасида қатор қўшма тadbирлар бўлиб ўтди.

26 май куни давлат раҳбарлари биргаликда “Янги Ўзбекистон” мажмуасига таширфи буюрди, Россия раҳбари Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

27 май куни тор ва кенгайтирилган таркибда олий даражадаги музокара-лар бўлиб ўтди, улар давомида Президентлар икки томонлама кун тартибидagi долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар, делегациялар аъзоларининг асосий йўналишлар бўйича ҳисоботларини тингладилар, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти имзоланди, икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган, ўзаро ҳамкорлигида янги саҳифа очадиган ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар алмашилди.

Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Владимир Путин Галаба боғига таширфи буюриб, “Матонат мадҳияси” монументи пойига гулчамбар қўйди ва Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги Галабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи музей билан танишди.

Уша куни Президентлар раислигида Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди, унда ҳудудлараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва уни янги амалий мазмун билан бойитиш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Россия Президентининг ушбу таширфини ҳақли равишда тарихий деб аташ мумкин. Бу таширф мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқични бошлаб беради.

Таширф тadbирлари якунлангач, Тошкент халқаро аэропортида Президент Владимир Путинни Президент Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

ЎЗА

Ислохотлар самараси

МАҲАЛЛА

ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК, УМИД ВА ИШОНЧ МАСКАНИ



Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Мустақиллик маҳалласида яшовчи Ҳазрат бобо Пирриев ёши қарийб 80 га яқинлашган бўлса-да, бобомерос касби — чорвачиликни қанда қилмайди. Ҳалигача сигирнинг ювш ва серсути, новвоснинг тез етилиб, рўзгорга яхши даромад келтирадиганини танлаш борасида қишлоқда отахоннинг олдида тушадигани йўқ ҳисоби. Шу сабабли бозордан қорамол сотиб олишда кўпчилик унинг маслаҳатини олиш, имкони бўлса, бозорга бирга боришга ҳаракат қилади. Ҳазрат бобо олди-сотдида бировнинг ҳақида хиёнат қилмас, ўзгага ҳам ҳақини едирмайди.



Нима бўлди-ю, охири савдоси пишмай қолди: қўшни қишлоқлик фермер йигит отанинг боқилган сигирини 1 ойга пулини бериш шarti билан олиб кетди, лекин орадан 3 ой ўтса-да, қораси кўринмади. Шундай кунларнинг бирида Ҳазрат бобо “иш билан бўлиб эсидан чиққан бўлса, бир эслатиб, йигит қўйган

бўлса, пулни олиб келаман”, деб қўшни қишлоққа отланди. Бироқ уни уйдан тополмади, қўнғироқларига ҳам жавоб бермади. Қўни-қўшни, таниш-билишлар орқали уйига бир неча бор хабар йўллади, натижа бўлмади.

Уйлай-уйлай оиласидигиларга маслаҳат солди: “Мелисига беринг”, деди

кампири. Ўғли судга беришни маслаҳат берди. Умри бино бўлиб бу тизимга деярли иши тушмаган Ҳазрат бобо бир сесканиб тушди: “оддий олди-бердини деб судма-суд юраманми, бошқа йўли йўқми-кан?”, дея ичи зил кетди. Шу лаҳзаларда маҳалла ҳаётига оид турли масалаларда тез-тез йўқлаб турадиган оқсоқол эсига

тушди. Маҳалла раиси ҳали ёш бўлишига қарамай, кўп муаммоли ҳолатларда ёши улуглар билан кенгашиб йўл тутганидан чигал масалаларга оқилона ечим топиб келади. Шу боис, маҳаллада ҳурмат-эътибори баланд.

Давоми 3-бетда

Биз ва дунё

УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ ЙЎНАЙДИ

Хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралар вакиллари Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат таширфини шарҳлашда давом этмоқда.



Владимир КАТЕНЕВ, Санкт-Петербург шаҳри Савдо-саноат палатаси президенти:

— Президентлар Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёевнинг шахсий муносабатлари жуда самимий. Владимир Путиннинг президентлика қайта сайлангандан кейинги учинчи хорижий сафари айнан Ўзбекистонга бўлди. Таширф давлат таширфи мақомига эга бўлиб, бу энг олий шаклдир.

Таширф доирасида Тошкентда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан ортқ битим, меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу сай-ҳаракатлар натижасида Санкт-Петербургда ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар янада кучлироқ ривожланди.

Давоми 2-бетда

Инвестиция



ЧЕККА ТУМАНДАН РОССИЯ БОЗОРИ САРИ

2

Тараққиёт одими

ЮҚОРИ РЕЙТИНГДАГИ ТАДБИРКОР ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАДИ

Охири вақтларда тadbиркорлар рейтингини ҳақида кўп эшитяпмиз. Бизнес вакиллари рейтингининг аксарияти шу рейтингнинг юқори поғонасидан жой эгаллашга интиляпти. Бу уларга қўшимча қўлайлик, имтиёзлар беришни таъкидламоқда. Боиси, юртимизда жорий йил 1 февралдан татбиқ этилган тadbиркорларнинг барқарорлик рейтингини ишбилармон доира вакиллари фаолиятини баҳолабгина қолмай, уларни қўшимча рағбатлантиришни назарда тутлади.



Барқарорлик рейтингини одатдаги каби юқори, ўрта, қониқарли ва қуйи тоифаларга бўлинади. Улар ҳам яна бир неча тоифага ажратилади. Масалан, юқори тоифа “AAA”, “AA”, “A” даражаларни ўз ичига олса, ўрта “B” ҳамда қониқарли “C” тоифалар ҳам шу тарзда сараланади. Қуйи “D” тоифа эса ягона даражадан иборат.

Яъни тadbиркорлик субъектлари оладиган тоифалар уларнинг фаолиятига бериладиган баҳоидир. Бу баҳо яхши ёки ёмон бўлишига қўра, муайян чоралар белгиланади. Аммо рейтингни паст корхоналарга нисбатан жазо чоралари қўллаш назарда тутилмаган. Фақатгина рағбатлантириш кўрсаткичга қараб ўзгартирилади. Бунинг қўлайликларини рейтинг даражасини ошириб бораётган ишбилармонлар яққол сезмоқда. Мавжуд имтиёزلарни олиш учун ўрта даражадаги корхоналар ҳам юқори рейтингга эга бўлишга интиляётгани боиси шунда.

Давоми 4-бетда

Фахр

БОТИР ҚОБИЛОВ: “ХАЁЛАН ҲАР КУНИ ЮРТИМДАМАН!”

Ҳаётда, касбда муваффақиятга эришиш осон эмас. Хорижий давлатга бориб ҳаммасини нолдан бошлаш эса ўн қарра машаққатли. Аммо билим, меҳнат ва интилиш, касбга муҳаббат инсонни дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, ўз мақсади томон олиб боради.

Юрдошимиз, ёш иқтисодчи Ботир Қобиллов ҳам илмий фаолиятини хорижда давом эттириш мақсадида 2014 йили АКШга йўл олганди. Ҳозиргача ана шу илм йўлидан оғинмай, билим олиш, изланишда давом этмоқда. Яқинда жаҳоннинг энг машҳур олийгоҳларидан бири, нуфузли Гарвард университети докторанти мақомига эришди. Шу тариқа Ботир Қобиллов ушбу университетнинг Гарвард бизнес мактабида докторлик иштини ёқлаган биринчи ўзбекистонлик бўлди.

Хушхабарни эшитганимиз ҳамон ёш иқтисодчи билан интернет орқали боғландик. Илмилар билан гаплашиш доим мароқли. Улар сўзни исроф қилмайди, керакли гапни топиб қўллайди. Манманликдан холи, камтар бўлади. Бундай инсонлар учун энг нуфузли олийгоҳлардан бирида докторлик қилиш ва бу борада мамлакатда биринчилардан бўлиш қанчалик фахрли экани қизиқ, албатта.

Давоми 5-бетда



Мажнунини бўлай, Ватан!

6

